



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 29 - Iyul

103 n -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Курбонов Артур Тўлқиновичга Боғот тумани “Юксалиш” маҳалласи ҳудудига вақтинча енгил конструкцияли “Континер” ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Боғот тумани “Юксалиш” маҳалласида яшовчи фуқаро Курбонов Артур Тўлқиновичнинг “Юксалиш” маҳалласи ҳудудига вақтинча (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 19 декабрдаги ШЯ-Қ-3534-сонли аризасини, туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2021 йил 16 январдаги 15/1-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

**Қ А Р О Р                      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Юксалиш” маҳалласида яшовчи фуқаро Курбонов Артур Тўлқиновичга “Юксалиш” маҳалласи ҳудудига (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер”ни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Курбонов Артур Тўлқиновични “Юксалиш” маҳалласи ҳудудига вақтинча (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Курбонов)га фуқаро Курбонов Артур Тўлқинович “Юксалиш” маҳалласи ҳудудига вақтинча (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи

**Ш.Яхшибаев**